

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.17/04.06.2021.Т.06.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ

РАЖАББОЕВ ИБОДУЛЛА МУРОДУЛЛАЕВИЧ

**УЧҚУДУҚ УРАН ЧИҚИНДИЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШНИНГ
ФИЗИК -КИМЁВИЙ ВА ТЕХНОЛОГИК АСОСЛАРИ**

04.00.14 – Фойдали қазилмаларни бойитиш

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

**Contend of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
of technical sciences**

Ражаббоев Ибодулла Муродуллаевич

Учкудук уран чиқиндиларини қайта ишлашнинг физик-кимёвий ва
технологик асослари..... 3

Ражаббоев Ибодулла Муродуллаевич

Физико-химические и технологические основы переработки урановых
отвалов Учкудука..... 21

Rajabboyev Ibodulla Murodullayevich

Physico-chemical and technological bases of processing of uranium dumps of
Uchkuduk..... 39

E'lon qilingan ishlar ro'yxati

Список опубликованных работ
List of published works 43

**НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.17/04.06.2021.Т.06.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАВОИЙ ДАВЛАТ КОНЧИЛИК ИНСТИТУТИ

РАЖАББОЕВ ИБОДУЛЛА МУРОДУЛЛАЕВИЧ

**УЧҚУДУҚ УРАН ЧИҚИНДИЛАРИНИ ҚАЙТА ИШЛАШНИНГ
ФИЗИК-КИМЁВИЙ ВА ТЕХНОЛОГИК АСОСЛАРИ**

04.00.14 – Фойдали қазилмаларни бойитиш

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.2.PhD/Т2277 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Навоий давлат кончилиқ институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.ndki.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Шарафутдинов Улугбек Зиятович**
техника фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар: **Муҳиддинов Баходир Фахриддинович**
кимё фанлари доктори, профессор
Курбанов Машхур Амонович
техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)


Етакчи ташкилот: **Тошкент давлат техника университети**


Диссертация ҳимояси Навоий давлат кончилиқ институти ҳузуридаги DSc.17/04.06.2021.Т.06.01. рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 27 декабр соат 16⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 210100, Навоий шаҳри, Махмуд Таробий кўчаси, 72-уй. Навоий давлат кончилиқ институтининг мажлислар зали. Тел.: (79) 223-23-32; факс: (79) 223-49-66; (e-mail: info@ndki.uz).


Диссертация билан Навоий давлат кончилиқ институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (79 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 210100, Навоий шаҳри, Махмуд Таробий кўчаси, 72-уй, Тел.: (79) 223-23-32; факс: (79) 223-49-66.

Диссертация автореферати 2021 йил 14 декабр куни тарқатилди.
(2021 йил 14 декабрдаги 2 рақамли реестр баённомаси).




К. Санакулов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор


О.У. Фузайлов
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш илмий котиби, техника фанлари
бўйича фалсафа доктори (PhD)


Н.А. Донияров
Илмий даражалар берувчи
Илмий кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, т.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда урани казиб олиш усулларида бири ер остида танлаб эритиш (ЕОТЭ) усули ҳисобланади, бу эса уран саноатида капитал харажатларни 4 бараваригача камайтириш, конларнинг қурилиш вақтини қисқартириш, меҳнат унумдорлигини бир неча баробар ошириш ва шунга мувофиқ иш ўринларини оптималлаштириш орқали тайёр маҳсулот таннархини камайтириш имконини беради. Ҳозирги вақтда таркибида рангли металллар миқдори юқори бўлган руда конларининг захиралари амалда яроқсиз ҳолга келиб, мураккаб рудаларни қайта ишлашга йўналтирилмоқда ва натижада ресурс ва энергия тежамкор технологияларни қўллаб таркибида фойдали компонент бўлган техноген чиқиндиларни қайта ишлаш алоҳида аҳамият касб этади.

Дунёда чиқинди уюмларини асосий ишлаб чиқаришга қайтариш йўли билан қайта ишлаш, тайёр маҳсулотни олиш жараёнида хлорид-ион асосидаги тазйикловчиларни таъсирини ҳисобга олган ҳолда юқори сифатли сорбентлардан фойдаланиш, сорбция жараёнида урани ажратиб олиш, уран ишлаб чиқаришнинг асосий кўрсаткичларини ошириш, чиқинди уюмларини асосий ишлаб чиқаришга қайтариш йўли билан қайта ишлаш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда. Бу борада, уран чиқиндиларини қайта ишлашнинг физик-кимёвий ва технологик асосларини ишлаб чиқиш, уран конлари чиқиндиларини қайта ишлашда хлорид ионларини миқдори юқори бўлган эритмалардан урани сорбциялашда анионитларни хоссасини ўрганиш, урани сорбциялаш жараёнига мавсумий паст ҳароратни таъсирини тадқиқ қилиш асосида урани ажратиб олишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда урани очиқ усулда казиб олганда ҳосил бўлган чиқинди уюмларини қайта ишлаш, чиқиндилардан урани танлаб эритишнинг танловчан усулини ишлаб чиқиш, урани олиш билан бирга чиқиндиларнинг атроф-муҳитга таъсирини камайтириш ва чуқур конларни ёпиб ер усти тупроқларни унумдорлигини ошириш бўйича илғор илмий асосланган чора-тадбирларни жорий қилиб, бир қатор илмий-амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида¹ «саноатни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, маҳаллий хомашё манбаларини чуқур қайта ишлаш, тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш ва янги технологияларни жадаллаштириш...» каби муҳим вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда Навоий кон-металлургия комбинатида тўпланган 3 миллион тоннадан ортиқ балансдан ташқари чиқиндихоналар чиқиндилари асосий хомашёни ишлатмасдан олиб бориш ва уларни ишлаб чиқаришга қайтариш, рекультивация эритмаларидан урани сорбциялаш жараёнида қўлланиладиган қатронларни физик-кимёвий ва технологик параметрларини ўрганиш, урани сорбциялаш учун анионитларни сақлаш ва ташишнинг технологик регламент параметрларини ишлаб чиқиш, уран рудаларини казиб олиш бўйича рекультивация

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

чиқиндилари жойлашган ҳудуддаги радиоэкологик вазиятни таҳлил қилишга қаратилган тадқиқотлар катта илмий ва амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони, 2019 йил 23 июлдаги ПҚ-4401-сон «2020-2021-йилларда Минерал ресурслар базасини ривожлантириш ва кўпайтириш давлат дастурини амалга ошириш ва ер ости бойликларини геологик ўрганишни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» ва 2019 йил 4 октябрдаги ПҚ-4477-сон «Ўзбекистон Республикасининг 2019-2030 йилларга мўлжалланган «яшил» иқтисодиётга ўтиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика илм-фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқлиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VII. «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хомашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Урanni қазиб олиш илм-фани ва амалиётини ЕОТЭ усули билан ривожлантиришга, уран таркибли чиқиндиларни қайта ишлаш назариясини ишлаб чиқишга Аренс В.Ж., Грабовников В.А., Гридин О.М., Есаулов В.Н., Жерин И.И., Истомин В.П., Калабин А.И., Ласкорин Б.Н., Лобанов Д.П., Лилбок Л.А., Лунев Л.И., Малухин Н.Г., Мамилов В.А., Борбат В.Ф., Маркелов С.В., Небера В.Н., Нестеров Й.В., Новик-Качан В.П., Осмоловский И.С., Абишева З.С., Петухов О.Ф., Санакулов К.С., Саттаров Г.С., Шарипов Х.Т., Толстов Е.А., Фазлуллин М.И., Хчеян Г.Х., Язиков В.Г., Alfoldi L., Anderson J.S., Matis K.A., Ritchie M.J., Salter J.D., Uayt N.P., Yannopoulos J.C., Young Zaporozek C.P., Kundler A.P. ва шу каби бошқа олимлар катта ҳисса қўшган.

Адабиёт маълумотларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, ҳозирги кунга қадар ЕОТЭ жараёнини уран конларидан фойдали компонентни қазиб олиш механизмини бошқариш ва хлор иони таркибли уранли эритмаларни қайта ишлаш учун янги технология ишлаб чиқиш бу соҳада илмий ва техник асосларнинг етишмаслиги билан тўсқинлик қилди.

Шу муносабат билан, манфий ҳароратларда сорбентларни ташиш ва сақлаш учун синтетик ионитлар ёрдамида уран конларини қазиб олиш технологиясини ишлаб чиқиш орқали уран қазиб олишни жадаллаштириш, реагентлар сарфини камайтиришнинг самарали йўллари кидириш, хлорли ионлар каби тазйикловчиларнинг бу жараёнга таъсирини ўрганиш тоғ - кон саноати учун катта илмий ва амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Навоий давлат кончилик институтининг илмий-тадқиқот режасига мувофиқ БА-А-13-015 – «Маҳаллий реагентлар ёрдамида

уранни ер остида танлаб эритиш технологик режимини ишлаб чиқиш» мавзусидаги амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Учқудуқ уран конлари чиқиндиларини қайта ишлашда хлорид-ион миқдори юқори бўлган эритмалардан уранни сорбциялашда анионитларни хоссасини ҳамда уранни сорбциялаш жараёнига мавсумий паст ҳароратни таъсирини аниқлаш асосида уранни ажратиб олиш даражасини оширишдан иборат.

Тадқиқотни вазифалари:

Учқудуқ уран чиқиндиларини қайта ишлашда рекультивация эритмалари таркибида хлорид ионларини миқдори юқори бўлиш сабабларини ўрганиш;

уран чиқиндиларини қайта ишлашда уранни сорбциялаш жараёнига тазйикловчи хлорид ионларини таъсирини тадқиқ қилиш, мумкин бўлган кўрсаткичларни ўрнатиш ва мақбул анионитни танлаш;

рекультивация эритмаларидан уранни сорбциялаш жараёнида қўлланиладиган қатронларни физик-кимёвий ва технологик параметрларини ўрганиш ҳамда уларга манфий ҳароратни таъсирини тадқиқ қилиш;

уранни сорбциялаш учун анионитларни сақлаш ва ташишнинг технологик регламентларини параметрларини ишлаб чиқиш;

Учқудуқ шахри атрофида уран рудаларини қазиб олиш бўйича рекультивация чиқиндилари жойлашган ҳудуддаги радиоэкологик вазиятни таҳлил қилиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Учқудуқ кони баланسدан ташқари радиоактив чиқинди рудалари, модел, реал уранли эритмалар ва ионалмашув қатронлари (кучли асосли анионитлар) олинган.

Тадқиқотнинг предмети мураккаб сульфат-хлоридли эритмалардан уранни анионитлар билан ажратиб олиш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида аналитик, графоаналитик ва статистик усуллар ёрдамида назарий тадқиқотлар, дастгоҳ ва лаборатория тажрибалари, шунингдек, руда, эритма ва қатронларни гранулометрик, кимёвий, спектрал ва рентгенологик фазали таҳлили, лаборатория ва ярим саноат тажриба синовларини математик ишлов бериш усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Учқудуқ уран чиқиндиларини қайта ишлашда рекультивация эритмаларидаги хлоридларни нисбатан юқори миқдорда (2-2,5 г/л) бўлишлигининг сабаби уларни руда чиқиндилари ва ер ости сувлари таркибида юқори миқдорда бўлишлиги ва тўлиқ эритмага ўтиши аниқланган;

рекультивация эритмаларида хлорид ионларининг концентрацияси 0,05 моль/дм³ гача ошганда анионитларга ютилмаган катионли UO_2Cl^+ комплексларни улуши ортиши ҳисобига қатроннинг уран бўйича сифими камайишини қўшимча механизми ва хлорид ионларини рухсат этилган миқдорини технологик параметрлари ишлаб чиқилган;

Учқудуқ уран чиқиндиларини қайта ишлашда рекультивация эритмаларидан уранни сорбциялаш жараёнларида ишлатиладиган анионитларни барча физик-кимёвий ва технологик параметрлари бўйича сифат мезонлари ишлаб чиқилган ва энг яхши хоссани ВО-020 анионити намоён қилиши аниқланган;

рекультивация эритмаларидан уранни сорбцияли ажратиб олиш анионитларни сақлаш ва ташишда сувни миқдорига боғлиқлик технологик параметрлари ишлаб чиқилган;

$^{234}\text{U}/^{238}\text{U}$ изотоплари орасидаги $K_{\text{рм}}$ -радиоактив мувозанатни бузилиши ўрганилган ва ер ости сувлари таркиби α -спектрометр усули билан аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

хлорид ионларини миқдори $0,05$ моль/дм³ дан юқори технологик эритмалардан уранни сорбцияли ажратиб олиш бўйича технологик параметрлари ишлаб чиқилган;

юқори сорбцион кўрсаткичларни таъминловчи ВО-020 анионитини саноат амалиётига қўллаш мезони ишлаб чиқилган;

илк бор қатрон доналарини барқарорлиги бўйича 3 турдаги гранулометрик таркибга эга фракцияларга ажратилди: $0,3$ мм дан кичик доналар йилнинг қишги паст ҳароратли даврларида анча мустаҳкам бўлади ва шаклини сақлаб қолади; $0,3-0,8$ мм ўлчамдаги фракция қатронлари бу даврда синган ва ёрилган ҳолати кузатилади; $0,8$ мм дан катта ўлчамдаги фракция қатронлари бу даврда буткул синган ва ёрилган ҳолатда бўлиши аниқланган;

уран сорбциясининг технологик жараёнларида ва уларни ташишда манфий ҳароратни таъсирида ионалмашувчи қатронларни механик хусусиятларини камайишини ҳисобга олган ҳолда технологик регламентлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги назарий ва экспериментал тадқиқотлар натижаларини мос келиши, уран чиқиндиларини қайта ишлаш бўйича ишнинг асосий ғоясининг қониқарли мувофиқлиги ва миқдорий тасдиқланганлиги ҳамда уран сорбциясининг технологик жараёнларида қўллашнинг сезиларли ижобий натижалари, лаборатория ва саноат тажрибаларининг ижобий далолатномалари, шунингдек, кенг қўламли ўтказилган лаборатория ва саноат тажрибаларининг нисбатан кўп ҳажми билан исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги кенг қўламли кенг миқёсда лаборатория тадқиқотлари, саноат-синов тадқиқотлари натижалари, ишлаб чиқилган хлорид-ион миқдори юқори бўлган рекультивация эритмаларидан уранни ажратиб олиш ва анионитларни сақлаш ва ташишда сувни миқдорига боғлиқлик технологик параметрларидан фойдаланиш натижасида уранни ажралиши ва қатронларни қайта ишлатилишини ортиши, шунингдек экспериментал ва саноат синовларининг ижобий далолатномалари орқали исботланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти назарий умумлаштириш асосида олинган уран кони чиқиндиларидан уранни ажратиб олишга таъсир қилувчи омилларни аниқлаш ва уран таркибли чиқиндиларни ишлов беришни илмий асосларини ишлаб чиқиш, уранни сорбциялаш ва тайёрлаш жараёнларини жадаллаштириш, жараённи мавсумий манфий ҳароратни ва тазйиқловчилар таъсирини физик-кимёвий ва технологик тадқиқ қилиш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти НКМК уран рекультивация чиқиндилардан уранни ажратиб олиш билан тавсифланади, бу эса минтақа экологиясига салбий таъсирни сезиларли даражада камайтиради ва рентабелликка эришишга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Навоий кон-металлургия комбинатида Учкудуқ уран чиқиндиларини қайта ишлашда рекультивация эритмларидан уранни ажратиб олиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

уран ишлаб чиқаришнинг такомиллаштирилган технологияси Шимолий кон бошқармаси геотехнологик конининг уран таркибли чиқиндиларни қайта ишлаш бўлимида амалиётга жорий этилган (Навоий кон-металлургия комбинатининг 2021 йил 6 апрелдаги 02-06-07/3689-сон маълумотномаси). Натижада, балансдан ташқари уран таркибли чиқиндилардан уранни юқори миқдорда ажратиб олиш даражасига эришиш имконини берган;

уран сорбциясининг технологик жараёнларида ва уларни ташишда ионалмашувчи қатронлар сифатига манфий ҳароратни таъсирида қатроннинг механик хусусиятларини камайишини ҳисобга олган ҳолда технологик регламентлари Шимолий кон бошқармаси геотехнологик конида амалиётга жорий этилган (Навоий кон-металлургия комбинатининг 2021 йил 6 апрелдаги 02-06-07/3689-сон маълумотномаси). Натижада, мавсумий паст (манфий) ҳароратларда ионалмашувчи қатронларнинг музлашини олдини олиш ва уларни технологик жараёнларда қайта ишлатилишини ошишига эришиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқотнинг натижалари 5 та республика ва 2 та халқаро илмий-амалий анжуманларда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 6 та, жумладан, Республика нашрларида 3 та ва хорижий журналларда 3 та мақола нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертациянинг таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 113 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг аҳамияти ва долзарблигини асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, тадқиқот ишининг Республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган ҳамда тадқиқотнинг илмий янгилиги, натижаларнинг ишончлилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Қайта ишлашга йўналтирилган рудаларни бойитишнинг кескин ёмонлашиш шароитида урanni қазиб олиш технологиясининг ҳозирги ҳолатини таҳлил қилиш»** деб номланган биринчи бобда комплекс қайта ишлашнинг замонавий аҳволининг таҳлили ва кон-металлургия саноати чиқиндиларини қайта ишлашнинг ривожланиш тенденциялари келтирилган.

Замонавий дунёдаги илмий ва технологик тараққиёт табиий ресурслар сарфининг кескин ўсиши ва саноат ишлаб чиқаришда ҳосил бўладиган чиқиндиларнинг бир вақтнинг ўзида кўпайиши билан бирга, улардан оқилона фойдаланиш муаммоси саноат ишлаб чиқариш самарадорлиги, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва чиқиндилардан фойдаланиш соҳасидаги янги ўзгаришлар билан чамбарчас боғлиқ. Ривожланган мамлакатларда чиқиндилардан фойдаланиш учун қўлланиладиган технологияларни 90-95% чиқиндихоналарга йўналтиришга мўлжалланган ёки мавжуд металлургик корхоналарда фойдаланиш самарасиз бўлиб, асосий камчилиги қимматбаҳо элементларни чанг ва газ чиқиндилари билан чиқиб кетиши ҳисобланади. Бундан ташқари, чиқинди ва чиқиндихоналар муҳим ер жойларини ажратишни талаб қилади ва атроф-муҳитнинг экологик вазиятини бузади.

Диссертациянинг **«Учқудуқ уран чиқиндиларини қайта ишлаш технологиясини тадқиқот объекти ва усулларини танлаш»** деб номланган иккинчи бобда тадқиқот объекти сифатида Учқудуқ уран чиқиндилари намуналарини кимёвий ва минералогик таҳлили ва рекультивация эритмалари таркибида тазйикловчи хлорид ионларини миқдорини юқори бўлиш сабаблари келтирилган.

Ўзбекистонда уран таркибли конларни қазиб олиш ва қайта ишлашнинг асосий усуллари яқин вақтлардан (XX асрнинг 90-йиллар бошидан) ер остида ва очик кон усулида рудаларни қазиб олиш ва уларни гидрометаллургик қайта ишлаш бошланди. 1958-1991 йиллар давомида Учқудуқ конида очик усулда рудаларни қазиб олиш натижасида урanni ўртача миқдори 200 г/т, умумий ҳажми 1,4 млн м³ ёки 2,25 млн т бўлган 23 та балансдан ташқари радиоактив кон чиқинди уюмлари тўпланди.

Охири юз йилликнинг 10-йилларигача кон чиқиндилари қайта ишланмади. Ишлаб чиқилган ва тадбиқ қилинган схема қайта рекультивация эритмаларидан урanni нисбатан самарали ажратиб олиш, қайта ишлаш натижасида ионалмашув қатронларини йилнинг паст ҳароратли даврларида

тезлик билан ўзгариши натижасида механик мустаҳкамлигини пасайиши билан боғлиқ муаммоларни ечишни кўрсатди.

Олиб борилган тадқиқотлар натижалари шуни кўрсатадики, рекультивация эритмаларидаги хлоридларни нисбатан юқори миқдорда (2-2,5 г/л) бўлишлигининг сабаби уларни руда чиқиндилари таркибида ва ер ости сувлари таркибида юқори миқдорда бўлишлиги ва тўлиқ эритмага ўтиши ҳисобланади.

Диссертация ишининг асосида радиоактив металлларни танлаб эритиш усулларини ўрганиш, чўктиришнинг турли усуллари ва сорбция жараёнларини ўрганиш ётади. Ишда замонавий физик-механик, кимёвий ва физик-кимёвий тадқиқот (рентгенофаза таҳлил, атом-эмиссион таҳлил, масса-спектрал таҳлил, электрон микроскопия) усулларидан фойдаланилди.

Диссертациянинг «**Хлорид ионларини миқдори юқори бўлган сульфатли эритмалардан урани сорбцияли ажратиш олишни тадқиқ қилиш**» деб номланган учинчи бобда Навоий кон-металлургия комбинатининг хлор ионларининг миқдори юқори бўлган рекультивация эритмалардан урани сорбциялаш жараёни амалиёти ва унда қўлланиладиган қатронлар таҳлил қилинган.

Хлоридлар сув ва сульфат кислота билан яхши танлаб эритилади. Танлаб эритиш биринчи 5 минут ичида жуда юқори тезликда рўй беради. Уран сувда эримайди, лекин сульфат кислота билан 60 минутда 89% гача эритмага ўтади.

Урани сорбциялаш ишчи ҳолатга келтирилган ионитлар билан амалга оширилиб, бу жараён шароитлар, яъни технологик эритмаларни таркибига боғлиқ бўлади. Шундай қилиб, урани сульфат кислотали эритмалардан ажратиш олишда ионитлар SO_4^{2-} -формага ўтади. Урани аралаш сульфат-хлорид эритмаларидан сорбциялаш учун SO_4^{2-} формадаги ионитлар каби, Cl^- шаклидаги ионитлардан ҳам фойдаланиш мумкин.

Тадқиқотлар мураккаб сульфат- хлорид эритмаларидан урани ажратиш олишда ионитни ишчи формасини уни уран бўйича сиғимига таъсирини аниқлашга йўналтирилди. Тадқиқотлар статик режимда таркибида $[\text{SO}_4^{2-}] = 20$ г/л ва $[\text{U}] = 28,6$ мг/дм³, $[\text{Cl}^-] = 0-0,05$ моль/дм³, $\text{pH} = 1,8$ бўлган модел эритмаларда қатрон билан эритмани ҳажмий нисбати $V_{\text{кат.}} : V_{\text{эрит.}} = 1:1000$ бўлган ҳолда, ҳарорат $t = 25^\circ\text{C}$ да олиб борилди. Тажриба натижалари 1-жадвалда келтирилган.

Олинган маълумотларга кўра статик шароитда ионитларнинг алмашинув сиғими қуйидаги қатор бўйича ортади:




Технологик эритмаларда хлорид ионларининг бўлиши, кутилганидек, анионитлар билан Cl^- сорбциясининг рақобат жараёни туфайли истисносиз барча ионитларнинг уран бўйича ҳажмий хусусиятларининг пасайишига олиб келди.

Хлоридларни сорбция жараёнига қўшимча рақобатлашишига эритмаларда сульфат-хлоридли комплексларни ҳосил бўлиши ҳисобига урани сорбциялашни пасайиш механизми ўрганилди.

Технологик эритмалардан урани сорбциялашда статик алмашув сиғимига хлорид ионлари ва ионитларнинг формасини таъсири

№	Ионитни маркаси	Ионитнинг формаси	САС ($[Cl^-]=0,05$ моль/дм ³ бўлганда)		САС ($[Cl^-]=0$ моль/дм ³ бўлганда)	
			кг/м ³	кг/т	кг/м ³	кг/т
1.	АМП	SO ₄ ²⁻	3,10	8,37	14,67	34,26
		Cl ⁻	3,03	8,2	–	–
2.	Purolite A-606	SO ₄ ²⁻	6,15	15,37	17,90	45,55
		Cl ⁻	8,3	20,75	–	–
3.	BO-020	SO ₄ ²⁻	12,15	34,02	19,55	48,87
		Cl ⁻	13,97	39,11	–	–
4.	Dowex-1	SO ₄ ²⁻	4,76	16,66	13,8	32,31
		Cl ⁻	6,42	22,47	–	–

1-расмда технологик эритмалардаги хлорид ионлари концентрациясига боғлиқ равишда урани ион формасини тақсимланиш графиги келтирилган.




1 – UO₂²⁺; 2 – UO₂SO₄; 3 – [UO₂(SO₄)₂]²⁻; 4 – [UO₂(SO₄)₃]⁴⁻;
5 – UO₂Cl⁺; 6 – UO₂Cl₂⁻; 7 – [UO₂Cl₃]⁻

1-расм. Рекультивация эритмаларидан урани ажратиб олиш даражасига хлорид ионлари формасини боғлиқлиги

Ионли формаларнинг жойлашиш диаграммасида эритмада хлорид ионларининг концентрацияси 0,05 моль/дм³ гача ошганда анионитларга ютилмаган катионли UO₂Cl⁺ комплексларни улуши ортади, бу эса ионитнинг уран бўйича сиғимининг камайишига олиб келади.

Винилпиридинли BO-020 ионити мисолида ИК спектрометрия усули билан урани сорбциясини пасайиш механизми тадқиқ қилинди. Олинган SO₄²⁻ ва Cl⁻ ишчи формадаги ионит намуналарининг ютилиш спектрлари 0,05 моль/дм³ хлорид ионли концентрацияли сульфат кислота эритмаларидан урани сорбциялашдан олдин ва кейин олинган (2-расм).

Тадқиқ қилинган барча тўрт намунадаги спектрларда ионит матритсадаги атомлараро боғланишларнинг тебранишларига ва функционал гуруҳларга хос ютилиш чўққилари мавжуд. Шундай қилиб, 3045 см^{-1} соҳада ютилиш чўққисига ароматик ҳалқанинг С-Н боғининг валент тебранишлари сабаб бўлади. 2940 см^{-1} да кучсиз ютилиш чўққисига алифатик углеводородларнинг С-Н боғидаги валент тебранишлари сабаб бўлади.



Соорбциягача:
 1 – SO_4^{2-} кўринишда;
 2 – Cl^- кўринишда.
 Сорбциядан кейин:
 3 – SO_4^{2-} кўринишда;
 4 – Cl^- кўринишда

2-расм. ВО-020 ионити мисолида уран сорбциясини пасайиш механизмининг ИК спектрлари

646 см^{-1} ва 1477 см^{-1} минтақадаги чўққилар мос равишда $\text{C}=\text{C}$ ва $\text{C}=\text{K}$ бензол ҳалқасининг валент тебранишларидан келиб чиқади. 1384 см^{-1} ва 846 см^{-1} тўлқин сонлари бўлган чўққилар С-Н винил боғининг текисликка ва текисликдан ташқари деформацион тебранишларига мос келади. Сорбциядан олдинги SO_4^{2-} - ишчи формадаги ионит намунасининг ютилиш спектри (2-расм 1-тўлқин) $[\text{SO}_4]^{2-}$ гуруҳини асимметрик уч марта бузилиши тебранишлари оқибатида 619 ва 1111 см^{-1} доирасида чўққиларни борлиги билан тавсифланади. Спектрда ионит Cl^- ишчи формасида (2-расм, 2-тўлқин).


Уранни сульфат-хлорид эритмасидан сорбциялагандан кейин $[\text{SO}_4]^{2-}$ гуруҳи асимметрик учламчи бузилиш тебранишларига мос келувчи Cl^- кўринишидаги ВО-020 ионит намунасининг спектрида 620 , 1034 ва 1111 см^{-1} номерли тўлқин чўққилар пайдо бўлади (2-расм, 4-тўлқин). Бу эса ўрганилаётган ионит бўйича уранни сорбциялаш фақат сульфат комплекси кўринишида амалга ошганлигини кўрсатади, мусбат зарядли хлорид комплекси кўринишидаги уранни сорбцияламайди.

$[\text{Cl}^-]=0,05$ моль/ дм^3 концентрациясида уранни сорбциялаш изотермаси спектри олинди (3-расм). ВО-020 ионити билан уранни сорбциялашнинг изотермаси бошқа изотермалардан юқори бўлиб, у тўртламчи аммоний асосларига нисбатан винилпиридин функционал гуруҳларининг уранга нисбатан кўпроқ яқинлигини кўрсатади.

Сорбция кинетикаси статик режимда қатрон билан эритмани ҳажмий нисбатлари $V_{\text{катр.}} : V_{\text{эрит.}} = 1:1000$, ҳарорат 25°C да эритманинг муҳити $\text{pH}=1,8$, $[\text{SO}_4^{2-}]=20$ г/л ва $[\text{U}]=28,6$ мг/ дм^3 , хлорни миқдори $0,05$ моль/ дм^3 бўлган модел эритмада тадқиқ қилинди. 4-расмда ионитлар билан уранни

сорбциялашнинг эгри чизиклари келтирилган, системада мувозанат учун ВО-020 анионити кинетика бўйича энг яхши хусусиятни кўрсатади, унинг системада мувозанат қарор топиши 18 соатни, АМП эса 24 соатни ташкил қилди.

Бундан ташқари турли хил уран таркибли чиқинди уюмларини қайта ишлаш реал эритмаларидан уранни сорбциялаш бўйича тадқиқотлар олиб борилди. Олинган реал эритмалар 8-очик кондан олинган намуналар сульфат кислота эритмаси ($pH = 1,0$) билан ишлов бериш йўли билан олиб борилди.



3-расм. Хлорид ионларининг концентрацияси 0,05 моль/дм³ бўлган эритмадан SO₄²⁻-формадаги қатрон билан уранни сорбциялаш изотермаси графиклари, қатрон таркибидаги уранни миқдорига эритма таркибидаги хлор ионларини миқдорини боғлиқлиги


Қатронларни тўлиқ динамик алмашув сиғими (ТДАС) аниқланди (сорбцияда уранни тўлиқ кўчиши) 2-жадвал. Олинган маълумотлардан аниқ бўлдики қатронларни уран бўйича ТДАС қуйидаги қатор бўйича ошади:

$$\text{Dowex-1} < \text{АМП} < \text{Purolite A-606} < \text{ВО-020}.$$

2-жадвал

Сульфат-хлоридли эритмалардан уранни ажратиб олишда ионитларни ТДАС қийматлари

Ионит	ВО - 020	Purolite A606	Dowex -1	АМП
ТДАС, кг/м ³	58,75	47,00	31,33	37,28



4-расм. Хлорид ионларини концентрацияси 0,05 моль/дм³ бўлган сульфат – хлоридли эритмалардан уранни сорбциялашни кинетик графиклари

Металлни танлаб эритиш ва кейин ВО-020 анионити билан уранни сорбциялаш натижалари 3-жадвалда келтирилган.

Cl 1775 мг/л (0,05 моль/дм³) концентрациясида металлни сорбциялаш натижалари

Балансдан ташқари руда намуналари	Танлаб эритишда H ₂ SO ₄ концентрацияси, г/л	Танлаб эритиш ва сорбциялаш натижалари			
		Охирги рН	Қаттиқ чиқиндидаг и [U], %	Эритмадаги [U], мг/л	Анионитни сифими, мг/г
8-сон чиқинди уюми, [U]=0,024%	30,0	1,0	0,036	88	9,0
	15,0	1,4	0,039	67	18,2
	8,0	3,0	0,0100	40	22,5

3-жадвал натижаларида кўришиб тургандек, 8-конни балансдан ташқари рудаларини сульфат кислотали танлаб эритиш, бошланғич эритманинг мухитини рН=1,0 қийматда ушлаб туришни талаб этади, бунда хлорид ионларининг мувозанат концентрацияси [Cl]=1775 мг/л. Эритмадан урanni BO-020 анионити билан сорбциялашда қатронни тўйиниши бўйича ижобий натижаларни таъминлайди.

Диссертациянинг «Балансдан ташқари уран таркибли чиқинди рекультивация қилиш технологияси ва унда ишлатиладиган ионалмашув қатронларини технологик кўрсаткичларини тадқиқ қилиш» деб номланган тўртинчи бобда рекультивация эритмаларидан урanni ажратиб олиш технологияси, унда ишлатиладиган қатронларни физик-кимёвий ва технологик хусусиятлари, Учқудуқ шаҳри атрофидаги уран рудаларини қазиб олувчи корхоналар жойлашган худуд яқинидаги саноат майдонларини радиацион экологик ҳолати натижалари келтирилган.

Анионитларни самарадорлигини баҳолаш учун қуйидаги I – гранулометриқ таркиби; II – механик мустаҳкамлиги; III – ионитларни ғоваклик ҳажми; IV – ионитларни зичлиги; V – танловчанлик хусусияти; VI – регенерацияланиш даражаси мезонларидан фойдаланилди.

Қатронларнинг сифатини аниқлаш учун эгаллаган ўринлар жамланиб, мумкин бўлган қийматдан (100%) олинади. Тадқиқот натижалари 4-жадвалда келтирилган.

Ионалмашув қатронларининг сифат қатори

	Ионит маркаси	I-VI мезонлари бўйича ўрни						Жами пунктлар	Қатордаги ўрни
		I	II	III	IV	V	VI		
1.	BO-020	1	2	1	5	1	4	14	1
2.	АМП	2	1	2	2	4	6	17	2
3.	BD-706	3	4	8	6	3	1	25	3
4.	Resinacs	4	7	4	1	2	7	25	4
5.	Amberlite IRA-120	6	6	6	3	6	2	29	5
6.	Tulsion	7	5	5	4	5	5	31	6
7.	Purolite A-606	5	3	7	7	7	3	32	7
8.	Dowex 1	6	8	3	8	8	8	41	8

Танланган мезонларга кўра (гранулометрик таркиби, механик мустаҳкамлиги, ионитларни умумий ғоваклик ҳажми, ионитларни зичлиги, танловчанлик хусусияти, регенерацияланиш даражаси) қатронларнинг сифати қуйидаги кетма-кетликка эга бўлган қийматлари билан аниқланди: ВО-020 > АМП > BD-706 > Resinacs > Amberlite IRA-120 > Tulsion 3663 > Purolite A-606 > Dowex-1.

Синтетик ионитларни қўлланилишини кенгайтириш сорбентларни манфий ҳароратда ташиш ва сақлаш муаммосини кескин оширади, бу эса ионалмашувчи қатронлари доналарида маълум қайтарилмас ўзгаришлар (криодеструкция)га олиб келади. Бу ҳодисанинг асосий сабаби совуш вақтида доналар ичида сувни ўзига хос хусусияти ҳисобланади.

Ионалмашувчи қатрон заррачаларининг дастлабки донадор ҳолати криодеструкция жараёнларида муҳим рол ўйнайди. Физик нуқсонсиз ионит заррачасига улардаги эркин сув музлаганда ва эриганда содир бўладиган кучланишлар хавfli эмас.

Бирок, бу тахмин фақат маълум чегараларгача амал қилади. Ҳақиқатан ҳам, 5-жадвалда кўриниб тургандек ВО-020, Amberlite IRA-120 ва АМП анионитларнинг механик мустаҳкамлиги ва гранулометрик таркиби бўйича, микроскоп майдонида кўзга кўринадиган нуқсонларга эга бўлмаган (I), битта нуқсонга эга (II) ва бир неча нуқсонларга эга (III) $-18,2^{\circ}\text{C}$ гача музлатилгандан кейин бир сутка давомида ушлаб туриш ва ундан кейин 24 соат давомида $+20^{\circ}\text{C}$ ҳароратда муздан эритиш сезиларли даражада фарк қилади.


5-жадвал

Музлагандан сўнг бир қанча қатронларининг хоссаларини ўзгариш натижалари


Қатрон	Намуна	Механик мустаҳкамлик, %		Қатрон донасини ўртача диаметри, мм	
		Синовгача	Синовдан кейин	Синовгача	Синовдан кейин
А-606	I	99,5	84,0	0,85	0,75
	II	97,5	81,0		0,65
	III	92,0	77,0		0,60
	IV	97,5	83,0		0,70
АМП	I	99,5	81,5	0,85	0,65
	II	98,0	76,5		0,55
	III	90,5	73,0		0,45
	IV	98,0	78,0		0,60
ВО-020	I	100	86,5	0,95	0,85
	II	99,0	83,5		0,75
	III	98,0	81,0		0,70
	IV	99,5	85,0		0,80

Биз $-18,2^{\circ}\text{C}$ ҳароратда музлашгача ва музлашдан кейинг ионалмашув қатронни ҳолатини тасвирга олдик. ВО-020 маркали ионалмашувчи

қатронларнинг ҳолатлари ичига видеокамера ўрнатилиб, бинокуляр рақамли микроскоп ёрдамида ўрганилди. Натижалар 5 ва 6-расмларда кўрсатилган.



5-расм. WO-020 анионити доналарини музламаган ҳолатдаги кўриниши



6-расм. Уранга тўйинган WO-020 анионити доналарини музлатилгандан (-18,2°C ҳароратда) сўнг кўриниши

Тадқиқотларда олинган натижаларга асосланиб ионит механик мустаҳкамлигини сақлаб қолиш учун уни паст ҳароратда сақлаш ва ташиш (қишки мавсумда) вақтида сувни максимал даражада йўқотиш зарур.

Дон барқарорлиги билан кескин фарқ қиладиган учта гранулометрик фракцияни ажратиш имконини берадиган кузатишлар диққатга сазовордир: 0,3 мм дан кичик бўлган бир қатор маҳаллий ва хорижий ионитларнинг фракциялари энг барқарор ва фақат музлаш вақтида бутун доналардан иборат бўлади; 0,3-0,8 мм фракцияси бутун доналарга кўшимча равишда майдаланган ва ёрилган доналарни ўз ичига олади; 0,8 мм дан катта фракция эга доналар энг кам бардошли ва бутунлай ёрилган гранулалардан иборат бўлади. Заррачаларнинг диаметрини ортиши билан ички кучланишлар ҳам ортиб, доначаларнинг бузилишига олиб келади.


Инсонларга радиацион таъсир кўрсатгичларини ҳисоблаш натижалари асосида урани қазиб олиш ва қайта ишлаш корхонасига туташ ҳудудлар учун ионлантирувчи нурлар таъсиридан атроф-муҳитни ҳимоя қилиш антропоцентрик қўллаш имкониятини таҳлил қилиш амалга оширилди. Ишлаб чиқилган технология бўйича чиқиндиларни қайта ишлаш натижасида қаттиқ фазадаги урани миқдори 200-400 г/т дан 5-20 г/т гача камаяди, гамма –фаолликни ўртача миқдори 0,46 мкЗ/с гача, жами алфа фаолликни ўртача миқдори 15,0 кБк/кг гача.

«Таркибида уран бўлган кум уюмларини қайта ишлаш» бўлими технологик эритмалардан урани сорбцияли ажратиб олишни технологик схемаси НКМК мутахассислари билан ҳамкорликда ишлаб чиқилди ва амалиётга жорий қилинди.

Уран таркибли чиқиндиларни қайта ишлаш жараёни 7-расмда кўрсатилган дастгоҳларнинг занжир схемаси бўйича амалга оширилди.

Қайта ишланувчи уран таркибли чиқиндилар автосамосваллар, юклагичлар ёки осма ускуналар тракторлар орқали қабул қилувчи бункерга берилади.

Йириклиги – 350 мм бўлган дастлабки руда қабул қилувчи бункерга, сўнгра лентали таъминлагичга (25 т/соат) сўнг руда лентали конвейерга орқали ўрта майдаловчи жағли майдалагичга (ЎЖМ-110) берилади. –100 мм ўлчамгача майдаланган руда, рудани қайта ишлаш ҳажмини назорат қилиш учун электрон тарозига кейин панжарали шарли тегирмон (МШР 21х22) га тушади.



- 1 – автосамосвал; 2 – қабул қилувчи бункер; 3 – лентали таъминлагич;
 4 — лентали конвейер; 5 – ЎЖМ-110 русумли жағли майдалагич;
 6 – ПШТ 21х22 русумли шарли тегирмон; 7 – кислота сиғими;
 8 – скруббер-бутара; 9 – 1КСП-1,5 русумли спирал шаклли классификатор;
 10 – тиндириш карталари; 11 – БСК-1700 русумли босимли сорбция колоннаси;
 12 – қатрон транспорти; 13 – тўйинган қатронни йиғувчи идиш

7-расм. «Уран таркибли чиқиндиларни қайта ишлаш» бўлимининг дастгоҳлар занжир схемаси

Дастлабки руданинг йириклиги ва қаттиқлигини ошиши тегирмоннинг ортиқча юкланишига ва унинг унумдорлигининг пасайишига олиб келади. Руданинг йириклигини камайиши билан тегирмоннинг унумдорлиги ортади, бу эса шар ва электр энергиянинг солиштирма сарфини камайишига олиб келади.

Тегирмонни бўшатишда бўтананинг зичлигини ошиши бўтана қовушқоқлигини ошишига ва уни бўшатишда қийинчиликка олиб келади. Бўтананинг зичлигини камайиши унинг ҳаракат тезлигининг ошишига ва шунга мос равишда тегирмонда руданинг туриш вақтининг ва янчилиш даражасининг камайишига олиб келади. Тегирмонни руда ва шарлар билан тўлишининг мақбул даражаси 35-40% ҳисобланади. Тўлиш даражасини ошиши тегирмонга ортиқча юкламага олиб келади, чала юклашни пасайиши, ишлаб чиқариш унумдорлигини пасайиши кузатилади. Бўшатувчи туйнук панжарасини ўлчами -18 ± 2 мм ташкил этади. Бўтананинг зичлигини камайиши унинг ҳаракат тезлигининг ошишига ва шунга мос равишда

тегирмонда руданинг туриш вақтининг ва янчилиш даражасининг камайишига олиб келади.

Техник сувни ҳажми 30 м³/соат, сульфат кислотанинг 10-15 г/л эритмаси берилади. Кейин аралашган маҳсулот скруббер қувурчаси орқали 1КСП-1,5 туридаги спиралли классификатор ишлатилади.

Танлаб эритилган бўтана новлар орқали тиндириш картасига туширилади. Кейин комплекс эритма босимли сорбция қурилмаси (БСК) га юборилади. 8-расмда «Уран таркибли чиқиндиларни қайта ишлаш» бўлимнинг босимли сорбция колоннаси келтирилган.



8-расм. Босимли сорбция колоннаси

Навоий КМК саноати шароитида эритмаларни қайта ишлашда жорий этилган янги технологик схема ва таклиф этилган дастгоҳларни занжир схемаси йилнинг совуқ вақтида манфий ҳароратларни таъсирини ҳисобга олиш ҳамда сорбциялаш жараёнида Cl^- ионларини концентрациясини назорат қилиш ҳисобланади. Амалга оширилган ишлар натижалари мавжуд бўлимнинг технологик регламентига киритилган.

ХУЛОСА

«Учқудук уран чиқиндиларини қайта ишлашнинг физик-кимёвий ва технологик асослари» мавзусида техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида назарий ва амалий аҳамиятга эга бўлган қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Юқори таркибли хлорид ионларидан иборат рекультивация эритмалардан уранни ажратиб олишда турли хил қатронларнинг сорбцион хоссалари ўрганилди. Бунга кўра, ишлаб чиқаришга энг яхши сорбцион хоссани намоён қилган кенг ғовакли ВО-020 анионити тавсия қилинади.

2. Уран сорбциясининг мувозанати сорбция изотермаси ўрнатилди, уранни ажратиб олиш жараёни қатрон доналарининг ички диффузияси лимитланади.

3. Танланган меъзонларга кўра (гранулометрик таркиби, механик мустаҳкамлиги, қатронларни ғоваклик ҳажми, ионитларни зичлиги, танловчанлик хусусияти, уранни регенерациялаш даражаси) ионитларни сифати аниқланди, миқдори бўйича қуйидаги қаторга эга: ВО-020 > АМП > ВD-706 > Resinacs > Amberlite IRA-120 > Tulsion 3663 > Purolite A-606 > Dowex-1 қатронлари ташкил қилди.

4. Қатрон доналарини барқарорлиги бўйича 3 турдаги гранулометрик таркибга эга фракцияларга ажратилди: 0,3 мм дан кичик доналар йилнинг қишги паст ҳароратли даврларида анча мустаҳкам бўлади ва шаклини сақлаб қолади; 0,3-0,8 мм ўлчамдаги фракция қатронлари бу даврда синган ва ёрилган ҳолати кузатилади; 0,8 мм дан катта ўлчамдаги фракция қатронлари бу даврда буткул синган ва ёрилган ҳолатда бўлади. Ўлчами 0,3 мм дан кичик бўлган бир қатор қатронларнинг синфлари энг барқарор ва фақат музлаш вақтида бутун доналарни намоён қилди ва музлатиш пайтида бутун доналардан иборат, ионалмашув технологиясида кичик қатронлар синфларидан фойдаланиш тавсия этилади.

5. Музлаш жараёни қонуниятларига асосан ионалмашувчи жараёнларни олиб боришда синтетик қатронларни манфий ҳароратга чидамлилиқ хусусиятига боғлиқ. Бунда қатрон ғовакларининг ҳажми кичик бўлганда манфий ҳароратни таъсири камаяди.

6. Навоий кон-металлургия комбинати уран ишлаб чиқариш саноат объектларида ишчи шахслар ва Учқудук шаҳри аҳоли яшаш жойларида аҳоли учун Ўзбекистон Республикаси СанЕНМда ўрнатилган самарали йиллик меъёрлардан ошмайди.

7. Рекультивация эритмалари таркибидаги хлорид ионларини миқдори юқори бўлиш сабаблари аниқланди ва сульфат-хлорид эритмаларидан ажратиб олишда уранга нисбати бўйича турли хил ионитларнинг сорбцион тавсифлари – статик алмашув сифими (САС), тўлиқ динамик алмашув сифими (ТДАС) қийматлари аниқланди, сорбцион изотермалар ва сорбцияни кинетик эгри чизиқлари қурилди ва тавсифланган.

8. Хлорид ионларини миқдори юқори бўлган сульфатли эритмалардан уранни сорбцияли ажратиб олиш технологиясини ишлаб чиқилган.

9. Уран таркибли чиқиндиларни рекультивация бўлимида уранни ишлаб чиқаришнинг мукамал технологияси, уранни сорбциялашнинг технологик жараёнларида ва уларни ташишда ионалмашувчи қатронлар сифатига манфий ҳароратни таъсири этиши бўйича ишлар ишлаб чиқилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.17/04.06.2021.Т.06.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
НАВОЙСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ ГОРНОМ ИНСТИТУТЕ**

НАВОЙСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ГОРНЫЙ ИНСТИТУТ

РАЖАББОВЕВ ИБОДУЛЛА МУРОДУЛЛАЕВИЧ

**ФИЗИКО-ХИМИЧЕСКИЕ И ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ
ПЕРЕРАБОТКИ УРАНОВЫХ ОТВАЛОВ УЧКУДУКА**

04.00.14 – Обогащение полезных ископаемых

АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии по техническим наукам (PhD)

Навои – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2021.2.PhD/T2277.

Диссертация выполнена в Навоийском государственном горном институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.ndki.uz) и на информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Шарафутдинов Улугбек Зиятович**
доктор технических наук, доцент

Официальные оппоненты: **Мухиддинов Баходир Фахриддинович**
доктор химических наук, профессор

Курбанов Машхур Аманович
доктор философии (PhD) по техническим наукам

Ведущая организация: **Ташкентский государственный технический университет**

Защита диссертации состоится 27 декабря 2021 года в 16⁰⁰ часов на заседании научного совета DSc.17/04.06.2021.T.06.01 (Адрес: 210100, г. Навои, ул. Махмуда Таробий, 72. Зал заседаний Навоийского государственного горного института. Тел.: (79) 223-23-32; факс: (79) 223-49-66; (e-mail: info@ndki.uz, nsmi@gmail.com).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Навоийского государственного горного института (зарегистрирован за №79). Адрес: 210100, г. Навои, ул. Махмуда Таробий, 72. Тел.: (79) 223-23-32; факс: (79) 223-49-66.

Автореферат диссертации разослан 14 декабря 2021 г.
(реестр протокола рассылки №2 от 14 декабря 2021 г.).



К. Санакулов

Председатель Научного совета по
присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, доктор философии (PhD) по техническим наукам

Председатель Научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, д.т.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Одним из способов добычи урана в мире является подземное выщелачивание (ПВ), которое даёт возможность уменьшить капитальные затраты в 4 раза при производстве урана, сократить время подготовки карьеров для добычи, в несколько раз увеличить производительность труда, оптимизировать рабочие места и уменьшить себестоимость продукта. В настоящее время оставшиеся запасы месторождений руд с высоким содержанием цветных металлов практически истощены, в разработку вовлекаются труднодоступные, сложные по переработке руды и в результате внедрения ресурсо- и энергосберегающих технологий важное значение приобретает использование техногенных отходов, в которых содержится ценный компонент.

На сегодняшний день во всем мире ведутся научные исследования по возврату техногенных отходов в основную переработку, применению высококачественных сорбентов на основе хлорид-ионов в процессе получения готового продукта, извлечению урана в процессе сорбции, повышению основных показателей производства урана и переработке техногенных отвалов путём их возврата. В связи с этим необходимы разработка физико-химических и технологических основ переработки техногенных отходов, изучение свойств анионитов, сорбирующих уран в процессе переработки урановых отходов с высококонцентрированными растворами хлорид-ионов, уделять особое внимание проведению научных исследований по извлечению урана в условиях сезонных низких температур в процессе сорбции.

В Республике выполнен ряд научно-практических работ по переработке техногенных отвалов при добыче урана открытым способом, разработке селективного метода выщелачивания урана из отходов, уменьшению влияния воздействия отходов при совместном получении урана на окружающую среду и внедрению передовых научно-обоснованных мероприятий по повышению плодородия поверхности почв земли. В Указе Президента Республики Узбекистан¹ определены важные задачи по «поднятию промышленности по качественным показателям на новый уровень, тщательной переработке местных источников сырья, ускорению развития производства готовой продукции и совершенствованию новых технологий...». В связи с этим важно выполнять задачи по возврату в переработку накопившихся в хвостохранилище забалансовых руд Навоийского горно-металлургического комбината (НГМК) свыше 3 млн. т отходов без использования основного сырья, изучению физико-химических и технологических параметров смол, применяемых в процессе сорбции урана из растворов рекультивации, разработке технологических регламентов параметров хранения и перевозки анионитов для сорбции урана, анализу

¹ Указ Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

радиационной и экологической обстановки в районе размещения предприятия по добыче урановой руды.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан №УП-4947 от 7 февраля 2017 г. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», Постановлениях Президента Республики Узбекистан № ПП-4401 от 23 июля 2019 г. «О мерах по дальнейшему совершенствованию геологического изучения недр и реализации государственной программы развития и воспроизводства минерально-сырьевой базы на 2020-2021 гг.» и № ПП-4477 от 4 октября 2019 г. «Об утверждении стратегии по переходу Республики Узбекистан на «зеленую» экономику на период 2019-2030 гг.», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики: VII. «Науки о земле (геология, геофизика, сейсмология и переработка минерального сырья)».

